




**“ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ” АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЖРО
ОРГАНИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМИ**
(янги тахрирда)

Тошкент-2026

1. УМУМИЙ МОДДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг (кейинги ўринларда – **Жамият**) ижрочи органининг ҳуқуқий мақоми, фаолият тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, ижрочи орган томонидан қарор қабул қилиш тартибини белгилайди. Жамиятнинг ижрочи органи – коллегиял бошқарув органи – Бошқарув сифатида тушунилади. Агар Жамият Уставида бошқача белгиланмаган бўлса, шартнома шартлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

1.2. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 мартдаги № УП-101 Фармони ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ТАРТИБИ

2.1. Жамиятнинг кундалик фаолияти коллегиял ижрочи орган – Бошқарув томонидан бошқарилади. Бошқарув 6 (олти) кишидан иборат бўлиб, уч йил муддатга сайланади. Бошқарув раиси бир лавозимда узлуксиз икки муддатдан ортиқ ишлай олмайди.

2.2. Бошқарув раиси умумий акциядорлар йиғилишида сайланади, Бошқарув раиси ўринбосарлари эса Кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

2.3. Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

2.4. Жамият Бошқаруви 5 кишидан иборат бўлиб, Кузатув кенгаши томонидан Бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари, тузилма бўлинмалар ва ходимлардан шакллантирилади.

2.5. Бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари ва Бошқарув аъзоларини тайинлаш қоида тариқасида танлов асосида амалга оширилади, хорижий менежерларнинг иштирок бўлган имконияти билан. Бошқарув лавозимларига камида 3 та малакали хорижий мутахассис жалб қилинади. Номзодларга қўйиладиган талаблар ва танлов мезонлари Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

2.5.1. Танлов қуйидаги босқичларда ўтказилади:

а) Танлов эълони Давлат активларини бошқариш агентлиги, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи сайтлари, оммавий ахборот воситалари ва Жамият веб-сайтида 10 кундан кам бўлмаган муддатга жойлаштирилади.

б) Келиб тушган таклифлар Жамият Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, Бошқарув аъзолари (ўринбосарлари)ни сайлаш бўйича қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Бошқарув раислигига номзодларни кўриб чиқиш ва танлаш акциядорлар умумий йиғилиши (Ягона акциядор)га киритилади.

в) Акциядорлар умумий йиғилиши (Ягона акциядор) томонидан Бошқарув раисини сайлаш бўйича якуний қарор қабул қилинади.

2.6. Бошқарув аъзолиги учун номзодлар Кузатув кенгаши ёки умумий акциядорлар йиғилиши (якка акциядор) розилиги билан танловда иштирок этиши мумкин.

3. БОШҚАРУВ УНГИ АЪЗОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига оид барча масалалар Жамият Бошқарув ваколатига киради, умумий акциядорлар йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

3.3. Жамият Бошқарув Раиси ҳуқуқ ва мажбуриятлари:
ўз ваколатлари доирасида Жамият фаолиятини бошқариш;

Жамият номидан иш юритиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш (ишончномасиз);
Жамият номидан ишончномалар бериш;
ўз ваколатлари доирасида Жамият номидан шартномалар тузиш;
ҳодимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, интизомий чораларни қўллаш, меҳнат ва ижро интизомини таъминлаш;

Жамиятнинг филиаллари ёки вакилликларининг штатларини тасдиқлаш ва улар раҳбарларини тайинлаш;

Жамиятнинг барча ҳодимлари учун бажарилиши мажбур бўлган буйруқ ва фармойишлар қабул қилиш ва кўрсатмалар бериш;

Кузатув кенгаши йиғилишларида қатнашиш;

банк ҳисоб рақамларини очиш (миллий ва хорижий валютада);

Жамиятнинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларида биринчи имзо ҳуқуқи;

давлат статистика органларига ва бухгалтерия ҳисоботида тўлиқ ва ўз вақтида ахборот тақдим этилишини таъминлаш;

ҳодимларнинг ижтимоий кафолатлари ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш;

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор фаолиятини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

Бошқарув Раиси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Устав ва Жамият норматив ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

3.4. Жамият Бошқаруви ваколатлари ва мажбуриятлари қуйидаларни ўз ичига олади:

ўз ваколатлари доирасида Жамият мулки ва пул маблағларини тақсимлаш;

тузилма бўлинмаларнинг низомлари ва ҳодимлар вазифа йўриқномаларини тасдиқлаш;

акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ваколатига киритилмаган ички норматив ҳужжатларни тасдиқлаш;

филиаллар ва вакилликлар учун Бошқарувнинг мажбурий қарорларини қабул қилиш;

Жамият ривожланиш дастурлари ва бизнес режаларини ишлаб чиқиш ва улар бажарилишини назорат қилиш;

тасдиқланган бизнес режада кўрсатилган миқдорда даромад олишни таъминлаш;

қонунчиликка мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот берилишини ташкил этиш, акциядорлар, кредиторлар ва бошқа манфаатдор шахсларга Жамият фаолияти ҳақида ахборот тақдим этилишини таъминлаш;

ягона акциядор, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссия ва Жамият аудитори талабига кўра Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳужжатлар тақдим этиш;

Жамият мулкни сотиш, устав капиталига инвестиция киритиш бўйича шартномаларни Кузатув кенгаши билан келишиш;

100 млн. сўмгача бўлган хайрия (хомийлик) ва беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) бўйича қарорлар қабул қилиш, барча акциядорлар учун ахборотни очиқ қилиш, шу билан бирга харажатлар ўтган йилнинг соф фойдасининг 3% дан ошмаслиги, агар бизнес режа кўрсаткичлари бажарилган бўлса ҳамда хомийлик кўрсатиш бўйича Президент қарори ёки кўрсатмаси мавжуд бўлса;

тижорат сирини сақлашни таъминлаш;

дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашда акциядорлар ҳуқуқларига риоя қилиш;

Жамиятнинг самарали ва барқарор фаолиятини таъминлаш;

қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

Кузатув кенгашига Жамият билан боғлиқ келишувлар ёки масалалардаги ҳар қандай тўғридан-тўғри ёки билвосита манфаатдорлик ҳақида маълумот бериш;

Жамиятнинг репутация хатарларини бошқариш;

хатарларни идентификация қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва бошқаришни таъминлаш, шу жумладан барқарор ривожланиш билан боғлиқ хатарлар, масалан, иқлим, экологик, ижтимоий ва бошқа молиявий бўлмаган хатарлар, шунингдек бу хатарларни стратегик, операциявий ва молиявий режалаштиришга интеграция қилиш;

Жамиятнинг ривожланиш стратегияси ва бизнес режаларини тайёрлашда экологик, ижтимоий ва бошқарув факторларини (ESG) ҳисобга олиш, шу жумладан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим, меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги масалалари;

Кузатув кенгашига муҳим хатарлар ҳақида доимий ахборот ва ҳисоботларни тақдим этиш, шу жумладан барқарор ривожланиш ва иқлим билан боғлиқ хатарлар ва имкониятлар ҳамда тегишли мақсадлар, тадбирлар ва кўрсаткичларнинг бажарилиши;

барқарор ривожланиш, экологик, иқлим, меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги соҳасидаги ахборотни йиғиш, тайёрлаш, тўғри ва ўз вақтида очиқлашни таъминлаш, қонунчилик, Жамият ички ҳужжатлари ва қўлланиладиган халқаро ахборот очиқлаш стандартларига мувофиқ;

Жамият Бошқаруви, шунингдек, қонунчилик, Устав ва Жамият ички норматив ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

3.5. Бошқарув Раиси ва унинг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларни бажаришда Жамият манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилишлари керак. Улар Жамият ва унинг акциядорлари олдида қонунчилик ва Уставга мувофиқ жавобгар бўлишади.

4. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамият Бошқаруви йиғилишлари заруриятга кўра ўтказилади.

4.2. Бошқарув йиғилишлари учун кворум 75% ни ташкил этади. Йиғилишлар Бошқарув Раиси ёки кўриб чиқиладиган масалага қараб тегишлигича унинг ўринбосаридан бири ўтказилади.

4.3. Йиғилишда қарорлар қатнашган Бошқарув аъзолари овозларининг кўпчилиги билан қабул қилинади, агар Жамият Уставида бошқачароқ тартиб белгиланган бўлса, овозлар тенг бўлса, ҳал қилувчи овоз Бошқарув Раисига тегишли. Йиғилиш протоколларини Бошқарув котиби юритади.

4.4. Бошқарув йиғилишлари баённомалари:

4.4.1. Кузатув кенгаши аъзолари ва Тафтиш комиссия аъзолари талабига кўра тақдим этилади;

4.4.2. Амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолларда бошқа шахслар ва органларга (шу жумладан давлат органларига) тақдим этилиши мумкин.

5. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАРТИБИ

5.1. Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши йиғилишларида Бошқарув органининг фаолияти тўғрисида ахборот қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатларида белгиланган ҳажмда очиқланади.

5.2. Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида Бошқарув органи фаолияти тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилади, шу жумладан:

Жамият Бошқаруви аъзолари таркиби;

Бошқарувнинг Кузатув кенгашига тақдим этган ҳисоботлари;

Жамият Бошқаруви фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумот;

Бошқарувнинг Жамият бизнес режасида кўрсатилган кўрсаткичларга эришиш бўйича олиб борган ишлари;

барқарор ривожланиш, экологик, иқлим, меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги соҳасида номолиявий ахборот (агар мавжуд бўлса ва қонунчилик ҳамда ички ҳужжатларда белгиланган ҳажмда);

барқарор ривожланиш ва иқлим билан боғлиқ муҳим хатарлар ва имкониятлар ҳақида маълумот, агар уларни очиқлаш қонунчилик, ички ҳужжатлар ёки қўлланиладиган ахборот очиқлаш стандартларида белгиланган бўлса;

қонунчилик талабларига мувофиқ бошқа ахборот.

6. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим. Бошқарув раиси ва унинг аъзоларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамият манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг субсидиар жавобгарлигини улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида кўзда тутилади.

6.2. Жамият Бошқарув аъзоси ўз иш фаолияти даврида Жамиятнинг маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бошқарув аъзоси Жамиятда лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида Жамият кузатув кенгашини хабардор қилмоғи лозим.

6.3. Бошқарув аъзоси Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт.

Жамият Бошқарув аъзоси аффилланганлиги Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 9-бобининг талабларига мувофиқ аниқланади.

6.4. Жамият Бошқарув аъзоси ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида унга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва мазкур Низомга мувофиқ етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда Жамият олдида жавобгардир.

6.5. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

6.6. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

6.7. Бошқарув Раиси ва аъзолари фаолиятини баҳолашда асосий самара кўрсаткичлари тизими (КРІ) қўлланилади, унда молиявий-иқтисодий ва операциявий фаолият кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Зарурият бўлганда барқарор ривожланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим, меҳнат муҳофазаси, sanoat хавфсизлиги ва корпоратив бошқарув сифати кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олинади.

7. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ХАЛ ҚИЛИШ

7.1. Агар Бошқарув аъзосида Бошқарув кўриб чиқаётган ёки Жамият бошқарув органлари олдига қўйилаётган масалада манфаатдорлик мавжуд бўлса, қарор қабул қилишдан олдин бу ҳақда Жамият ва Кузатув кенгашига ёзма хабар бериши шарт.

7.2. Манфаатдор Бошқарув аъзоси қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда мос масала муҳокамасида ва овоз беришда иштирок этмаслиги керак.

7.3. Бошқарув аъзолари шахсий манфаат ёки учинчи шахслар манфаати учун ўз ваколатлари, лавозимлари, Жамият мулки, ахборот ёки имкониятларидан фойдаланмасликлари шарт.

7.4. Бошқарув аъзолари мажбуриятларни бажариш даврида Жамият билан рақобатлашувчи ташкилотлар фаолиятини тузиш ёки унда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас, агар бу кузатув кенгаши билан келишилмаган ва қонунчиликка мувофиқ бўлмаса.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур Низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

8.2. Агар мазкур Низомни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тугатиш учун сабаб бўлмайди.

8.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ёхуд Жамият уставида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Жамият устави қоидалари қўлланилади.

8.4. Мазкур Низом кучга кирган кундан бошлаб, аввал акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамият “Ижроия органи тўғрисида»ги низом ва унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.